

ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Арзиев А.С.

Жиянов М.О.

Абдуллаев Н.Н.

Қарақалпоқ Давлат Университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14027687>

Аннотация. Компьютер машгүлөтларини янада қызықарли, ишончли ва самарали ўтишини таъминлаб, ўқувчиларни ундаги маълумотлар базасидан осонгина фойдаланиши ва ўзлаштириши учун кенг имконият яратади.

Калим сўзлар: Компьютер технологиялари таълимни компьютерлаштириши, фан-техника тараққиёти, компьютер техникаси.

USE OF COMPUTER TECHNOLOGIES IN TEACHING DRAWING GEOMETRY

Abstract. It makes computer training more interesting, reliable and effective, it creates a wide opportunity for students to easily use and master the database.

Keywords: Computer technologies, computerization of education, development of science and technology, computer technology.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РИСОВАНИЮ ГЕОМЕТРИИ.

Аннотация. Делает компьютерное обучение более интересным, надежным и эффективным, создает для студентов широкие возможности легкого использования и освоения базы данных.

Ключевые слова: Компьютерные технологии, компьютеризация образования, развитие науки и техники, компьютерные технологии.

Ҳозирги қунда архитектура қурилиш соҳасида лойиҳаларнинг янги 23компьютер технологиялари асосида яратилаётганлиги, шунингдек лойиҳаларни тайёрлаш жараёни билан уларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши орасидаги вақтнинг борган сари камайиб бориши ўқув жараёнига янги информациясы технологияларини қуллаш масаланинг мухим эканлигини тастиқлади.

Ана шундай бир пайтда эски аньанавий услублар ёрдамида дарс бериб замонавий, юкори малакали мутахассислар тайёрлаш қийин.

Қолаверса, ёшларни компьютер технологиялари ёрдамида үқитишилар да мұхандислик мекненни ва ижодига қызықиши оширади.

Таълимни компьютерлаштириш, кенг маңнода эса ахборотлаштириш үрганиш учун зарур ахборотни танлаш, уни таълим шаклига солиш, бу ахборотни үқувчиларга үзлаштириш, тушуниш ва эслаб қолиш учун бериш мақсадида ахборот технологиясидан фойдаланиш, мутахассисларнинг умумий маълумоти ва қасбий тайёргарлигининг сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига жавоб берувчи ахборот технологияларини таълим жараёнига жори этиш демакдир.

Фан-техника тараққиёти соҳасидаги изланишлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, таълим тизимиға компьютер технологияларини тўлақонли жорий этишнинг, зарурлиги қўйдагича асосланади:

-биринчидан, үқув ва тарбия жараёнинда үқитишининг аввалдан қўлланилиб келинган техник воситалари ёки дидактик материаллари билан компьютер техникасини таққослаганда, компьютернинг техник-оператицион имкониятлари чексизлиги;

-иккинчидан, фан-техника тараққиётининг ривожланишида замонавий ахборот технологияларидан хабардор кадрлар тайёрлаш масаласи ҳал этувчи роль ўйнаши билан изоҳланади.

Кўпчилик татқиқодчиларнинг фикрича, компьютер техникаси таълим ва тарбия воситалари, шакли ва мазмунини сифатли ўзгартириб, куйидаги имкониятлар яратади;

-ўқувчиларнинг индивидуал қобилятларини юзага чиқариб ва ривожлантириб, уларнинг шахсий сифатлари билан мувофиқлаштиради;

-ўқувчиларда билиш қобилияти ва кам мукаммаликка интилишини шакиллантиради;

-таълим ва тарбия методи, шакли ва мазмунини ҳар доим янгилаб туради.

Баъзи татқиқотчилар таълим жараёнинда компьютерларининг ролини шу қадар юкори баҳолайдики, ҳатто келажакда электрон машиналар ўқувчилар ўрнини тулиқ эгаллаб, уларнинг вазифаларини пухтароқ ва самаралироқ бажара олади деб ҳисоблайдилар.

Тўғри компьютер машғулотларини янада қизиқарли, ишончли ва самарали ўтишини таъминлаб, ўқувчиларни ундаги маълумотлар базасидан осонгина фойдаланиши ва үзлаштириш учун кенг имконият яратади. Лекин, у ҳеч қачон ўқитувчи ўрнини боса олмайди. Компьютер ўқувчиларни мустақил равишда үрганиш имканиятига эга бўлиб, ўқитувчига энг яхши замоновий ёрдамчи бўла олади. Шунингдек, бошқа техник воситаларига нисбатан компьютер ўзининг мослашувчанлиги, яни ўқитувчининг ҳар-хил методларни қўллаш мумкинлиги ва энг мухими ўқувчинии ндивидуал баҳолашда объектив

бўлиши билан ажиралиб туради. Ўз навбатида, компьютер ҳам ўқтувчидан фарҳли ўларок, ўқувчиларни ҳар қандай шароитда объектив баҳолайди.

Ўқувчиларнинг ақлий фолиятини ривожлантириш қўп жихатдан таълим воситалари боғлиқ. Лейкин, ўқув машғулотларнинг сифати ва ўқувчиларнинг билим олиш даражаси техникавий воситалар сони ва хилма-хиллиги билан эмас, балки уларни ўқув жараёнида дарс мавзусига тўла мос равишда аниқ мақсад бўйича синчилаб танлаш ва ўқувчининг тушунтириши билан туғри мувофиқлаштира олиш даражаси билан белгиланади.

Восита-муайян ўқитиш методи ёки усууллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалидир. Таълим воситалари, асбоб-ускуналар лаборатория жиҳазлари, ахборот ва техник воситалар, кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўқув кулланмалари, радио, телевидение, компьютер ва ҳокозалардан иборат.

Бугунги кунда компьютер ҳам дидиктик ҳам техник восита сифатида таълим жараёнига кириб келди. У ўзининг имконияти кенглиги қўлайлиги билан бошқа воситалардан ажралиб туради.

Компьютер графикаси-бу янги ахборат технологияларининг жадал ривожланиб бораётгани йўналишларидан бири ҳисобланиб, у автоматик лойиҳалаш тизимининг мазмунини ташкил этади. Замановий автоматик лойиҳалаш айлантириб гина колмай компьютер техникаси ўзининг маълумотлар базаси кенлиги ва объекларни моделлашининг самарали усулаидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб туради. Ахборат технологияларига асосланмаган мухандислик таълимини замонавий деб бўлмайди, чунки мухандислик фанларини ўқитишда янги ахборат технологияларидан фойдаланиб бугунги куннинг ижтимоий-иҳтисадий эҳтиёжи ҳисобланади.

Шунинг учун таълим тизимида ўқучиларнинг компьютер графикасида билим ва малакаларини ошириш ва таълим самарадорлигига эришиш шу кунинг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Юқоридаги фикirlар асосида техник чизмачилик ўқув фанини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланишни икки усуlda олиб бориш мумкин;

1. Ўқувчиларга маълум график билим ва кўникмага эга бўлгандан сунг гина компьютер графикасини ўрнатиш бунда ўқувчиларнинг компьютер графикаси элементларини осанлик билан ўзлаштириш эҳтимоли ошади.

Компьютер графикаси учун тегишлича ўқув соати ажратилиши ёки мустақил дарс ва тұғаралашының орталығынан компьютер графикасында фойдаланып график топшириқлар бажаришни олга күйиш талаб этилади.

2. Ўқув йили бошиданоқ компьютер графикаси элементлари таништириб, бутун фанни компьютер графикаси билан параллел равища олиб бориш бунда ўқувчилар күпироқ компьютер билан ишлашга қызқиб, чизмачилик асосларини ўрганиш иккинчи даражали болиши мүмкін. Шунингдек, бутун фанни компьютер графикасидан фойдаланып ўтиш учун ўқитувчи компьютер графикаси бүйича профессионал мутаҳасис бўлиши лозим.

REFERENCES

1. Рахимонов. И. “Чизама геометрия курси ва техникавий графикадан Тестлар” Т: Ўқувчи 1996.
2. Рихсибоев. Т Компьютер графикаси-Т:2006.
3. Арзиев А.С. Мадиярова Р.Р., Сарсенбаев Т.Т. Тарабаларнинг мустақил таълим мини чизма геометрия фанидан ташкил этиш технологияси. Journal of Universal Science Research/ 1(5). 1418-1422.
4. Рузиев. Э.И Научно-методические основы подготовки учителей графики в высших учебных заведениях; Дис...док.пед.наук-Т:2005.
5. Муллахметов. Р Низамов. Ш Республика илмий-амалий мажумуни материаллари. 15-апрел 2015-й.